

## Қабул 2021-2022: Олий ва ўрта-махсус диний таълим муассасаларига ҳужжат қабул қилиш муддатлари эълон қилинди



10:52 / 17.06.2021 5745

Жорий 2021-2022 ўқув йили учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларига абитуриентларнинг ҳужжатлари онлайн шаклда [muslim.uz](http://muslim.uz) сайтидаги [qabul.muslim.uz](http://qabul.muslim.uz) электрон портали орқали қабул қилинади.

### **Ўрта махсус ислом таълим муассасаларига:**

- 2021 йилнинг 20 июнидан 10 июлигача (шу куни ҳам, соат 18:00 гача).

### **Қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:**

- паспорт (электрон шаклда);

- аттестат ёки диплом (академик лицей, ўрта махсус касб-ҳунар коллежини тамомлаганлар учун) электрон шаклда;
- 3,5 x 4,5 ҳажмдаги фотосурат (сўнгги уч ойда олинган ҳамда орқа фони оқ рангда бўлиши талаб этилади) электрон шаклда;
- тил билиши тўғрисидаги сертификат (маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган чет тилидан бошқа чет тилини танловчилар учун) электрон шаклда.

**Олий диний таълим муассасалари:**

**Тошкент ислом институти ва Мир Араб олий мадрасасига:**

- 2021 йил 20 июнидан 20 июлигача (шу куни ҳам, соат 18:00 гача).

**Ҳадис илми мактабига:**

- 2021 йил 20 июнидан 10 июлигача (шу куни ҳам, соат 18:00 гача).

**Қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:**

- паспорт (электрон шаклда);
- ўрта махсус ислом таълим муассасасини тамомлагани тўғрисидаги ҳужжат (диплом) электрон шаклда;
- 3,5 x 4,5 ҳажмдаги рангли фотосурат (сўнгги уч ойда олинган ва орқа фони оқ рангда бўлиши талаб этилади) электрон шаклда;

**Танлов ва мусобақа иштирокчиларига:**

- «Ягона олимпиада» танловида 2- ва 3-ўринни эгаллаганини тасдиқловчи диплом (электрон шаклда).

***Диний идора Таълим ва илмий-тадқиқотлар бўлими***